



Имом Муслим ва Абу Довуд Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинганд ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

-Икки лаънатга сабаб бўлувчи нарсадан эҳтиёт бўлинглар дедилар.
Саҳобалар:

-Икки лаънатга сабаб бўлувчи нарса нима? дейишди.

-Одамларниң йўлларига ёки салқинлайдиган жойларига қазои ҳожат қилишдир», дедилар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оқмайдиган сувга сийишдан қайтарганлар, деди.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Муғириба ибн Шўъба розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга обдастани олинг дедида, мендан узоқлашиб, кўринмайдиган жойга бориб қазои ҳожат қилдилар.

Шарҳ

Ислом дини мусулмонлар азиятига сабаб бўладиган ҳар бир ишдан қайтаради. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар юрадиган йўлларга, дам оладиган салқинларга ва фойдаланадиган сувларга қазои ҳожат қилишдан қайтардилар. Мусулмон киши олий хулқ эгаси, шунинг учун ҳам одамлар олдида ҳожатини бажармайди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар

1. Одамларнинг йўлларига, соябонларига ёки сувларига бавл қилиш ҳаром.
2. Авратни тўсиш ва одамларга кўрсатмаслик вожиб.